



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРАТАРАФ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Каримов Шохруҳ Бойдулла ўғли,

Мустақил изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон. Email: shohruhkarimov51@gmail.com

ORCID: 0009-0009-5675-1181

PROBLEMS IN MANAGING CREDIT RISK IN COMMERCIAL BANKS AND MODERN APPROACHES TO THEIR MITIGATION

Karimov Shohruh Boydulla o'g'li,

Independent Researcher, Tashkent State University of Economics

Tashkent, Uzbekistan. E-mail: shohruhkarimov51@gmail.com

ORCID: 0009-0009-5675-1181

Аннотация. Мазкур мақолада банк рискларини баҳолаш ва бошқариш амалиётида учрайдиган долзарб муаммолар тизимли равишда таҳлил қилинади. Асосий эътибор кредит рискларига қаратилган бўлиб, қарз олувчининг молиявий ҳолатига таъсир этувчи ташиқи-ички омиллар, молиявий ахборотнинг ишончилиги, ҳуқуқий изро механизмларининг етарли эмаслиги ҳамда кредит жараёнини чуқур таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш контурларидаги камчиликлар очиб берилади. Шунингдек, кредит портфелида концентрациянинг ортиб бориши ва диверсификация амалиётининг етарлича йўлга қўйилмаганлиги банк барқарорлигига таъсир этувчи муҳим риск драйверлари сифатида баҳоланади.

Abstract. This article provides a systematic analysis of pressing issues in the practice of bank risk assessment and management. The study focuses primarily on credit risk, highlighting internal and external factors affecting borrowers' financial condition, the reliability of financial information, the insufficiency of legal enforcement mechanisms, and shortcomings

in the frameworks for in-depth analysis and monitoring of the credit process. In addition, increasing credit portfolio concentration and the underdevelopment of diversification practices are considered key risk drivers that undermine a bank's financial stability.

Калим сўзлар: банк рисклари; кредит рисқи; кредит портфели; портфель концентрацияси; диверсификация; қарз олувчининг молиявий таҳлили; мониторинг ва ички аудит; резервлар ва активларни таснифлаш; Базель қўмитаси.

Keywords: bank risks; credit risk; loan portfolio; portfolio concentration; diversification; borrower's financial analysis; monitoring and internal audit; classification of reserves and assets; Basel Committee, risk-appetite, liquidity risk, market risk, currency risk, financial market, mandatory insurance, personal insurance, property insurance, deposit.

Кириш. Сўнгги йилларда Ўзбекистон банк тизимида кредитлаш ҳажми ва маҳсулотлар турлари кенгайиб, банк активларининг асосий қисми кредит портфели ҳисобига шаклланмоқда. Бундай шароитда кредит рискларини

баҳолаш ва бошқариш масаласи банк барқарорлиги, капиталнинг адекватлиги ҳамда мижозлар маблағларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан стратегик аҳамият касб этади. Шу билан бирга, кредитлаш жараёнларининг рақамлашуви, масофавий каналлар орқали кредит ажратиш улушининг ортиши ва қарор қабул қилиш тезлигига қўйилаётган талаблар рискларни бошқариш тизимига бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Натижада рискларни бошқариш тизими фақат назорат функцияси сифатида эмас, балки банкнинг даромадлилиги ва барқарор ўсишини таъминловчи стратегик бошқарув инструменти сифатида намоён бўлади.

Кредит рискининг кучайишига қарз олувчининг молиявий ҳолатига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар (макроиқтисодий ўзгаришлар, бозордаги ҳолат, ишлаб чиқариш режаларининг бузилиши ва бошқалар), молиявий ахборотнинг ишончлилиги билан боғлиқ муаммолар, шунингдек қарзни ундириш ва мажбуриятларни ижро этиш механизмларининг етарлича самарали ишламаслиги сабаб бўлади. Бундан ташқари, кредит жараёнини чуқур таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш контурларидаги камчиликлар (қарз олувчини юзаки таҳлил қилиш, назорат ва аудитнинг етишмаслиги, кредит ҳужжатларининг тўлиқ эмаслиги ва ҳ.к.) портфель сифатининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Кредитларнинг ҳажми ва сони ошган сайин кредитнинг қайтармаслик хатари ҳам ортиб бориши банк амалиётида маълум ҳодисадир. Бундай хатарларни олдини олиш учун кредит ташкилотларида мижозларнинг кредитнинг қайтариши қобилятини аниқлаш мақсадида молиявий кўрсаткичлари (молиявий ҳисоботи),

таъминот, кредитланаётган лойиҳа (бизнес режа, техник иқтисодий асос) таҳлил қилинади.

Кредит рискинни камайитириш ва олдини олиш мақсадида қарз олувчиларнинг молиявий ҳолати ва тақдим этилган лойиҳаларни таҳлил қилишдан ташқари, кредитнинг қайтмаслик хатарини камайитиришнинг муҳим омилларидан бири қарз олувчилар тўғрисида ахборотга эга бўлишдир. Бу ахборот ўз ичига кредит олишга талабгор бўлган шахснинг илгари олган кредитларини қандай қайтарганлигини, ҳозирги вақтда бошқа банкларда сўндирилмаган кредити ёки бўлмаса кафилликларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни олади. Шу нуқтаи назардан, қарз олувчилар ҳақидаги ахборотнинг тўлиқлиги ва сифати кредит рискларини баҳолашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Амалиётда кредит бюрolari маълумотлари, банкнинг ички маълумотлар базаси, мижознинг пул оқимлари ҳамда соҳага оид индикаторларни ўзаро интеграция қилиш даражаси паст бўлса, рискни тўғри баҳолаш имконияти чекланади. Натижада кредит қарорларида ахборот асимметрияси кучаяди, бу эса нотўғри таснифлаш, лимитларни нотўғри белгилаш ва портфель сифатидаги салбий силжишларни тезлаштириши мумкин.

Ҳозирги даврда халқаро амалиётда тижорат банклари томонидан берилган кредитлар Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган рискка тортиш ёндашувлари асосида баҳоланиши кенг

кўлланилмоқда¹, айрим манбаларда бундай амалиёт дунёнинг 150 га яқин мамлакатларида татбиқ этилиши қайд этилади. Банк назорати бўйича Базель кўмитаси кредит рискин қарздор ёки контрагент томонидан ўз мажбуриятларини келишилган шартларга мувофиқ бажара олмаслик эҳтимоли сифатида таърифлайди. Шу билан бирга, кредит рискларини бошқариш амалиётида капиталнинг адекватлиги, ликвидлилик позицияси ва риск-аппетит ўртасидаги ўзаро боғлиқликни инобатга олиш талаб этилади. Чунки кредит портфели сифатидаги ҳар қандай ёмонлашув резервлар ҳажмига, рискка тортиш орқали капитал талабларига ва банкнинг молиялаштириш қийматига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу маънода, кредит рискларини бошқариш механизми портфель даражасидаги қарорлар (сегментация, лимитлаш, концентрацияни чеклаш) билан бир қаторда актив ва пассивларни бошқариш контурига ҳам интеграция қилинган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Банк кредитларини ликвидли актив турлари кесимида ҳам диверсификация қилиш тижорат банки учун юқори самарали даромад манбаи бўлиши мумкин. Бироқ амалда банк кредитлари ликвидли актив сифатида баҳоланмайди. Ваҳоланки, кредитларга ликвидлилик нуктаи назаридан ёндашиш банк кредит портфелининг қай даражада ликвид эканлигини аниқроқ баҳолаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлар асосида янги хосилавий инструментларни шакллантириш учун методологик ва амалий имконият яратади. Чунки бугунги кунда банклар кредит портфелини баҳолашда асосан активларнинг

таснифланганлик даражасига эътибор қаратадилар, холос. Аслида эса, тижорат банклари ўз фаолиятини ижобий кўрсатиш мақсадида яхши кредитлар улушини юқори кўрсатишга интилишлари мумкин. Натижада банклар ўзини ўзи алдаш ҳолатига тушиб қолади ва бу банк фаолиятининг изчил равишда ёмонлашишига олиб келиши эҳтимолини кучайтиради. Бундан келиб чиқиб, кредит портфелини баҳолаш ва бошқаришда ликвидлилик мезонларини ҳам инобатга олиш, портфельни комплекс диверсификация қилиш ҳамда кредитлар асосида бозор инструментларидан фойдаланиш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаш зарурати юзага келади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодий адабиётларда “хавф” (риск) тушунчаси ягона ёндашувга келтирилмаган бўлиб, унинг мазмуни турли мактаб ва тадқиқот йўналишларига кўра фарқланади. Классик ёндашувда Ф. Найт риск ва ноаниқликни ажратиб, рискни эҳтимоллар тақсимоли маълум (ёки баҳоланадиган) ҳолат сифатида, ноаниқликни эса эҳтимоллар олдиндан белгиланмайдиган ҳолат сифатида талқин қилади; ушбу фарқ қарор қабул қилиш жараёнида натижани баҳолаш ва назорат қилиш имкониятларига бевосита таъсир кўрсатади.

Доц. Д.Р. Рустамов ва тадқиқотчи М. Абдуллаева молиявий рисклар масаласига бағишланган илмий ишларида ушбу йўналиш бўйича қатор назарий ва амалий хулосаларни келтирадилар. Хусусан, муаллифлар банк тизимида учрайдиган молиявий рисклар кўп қиррали эканини таъкидлаб, улар орасида банк фаолияти барқарорлигига энг юқори даражада таъсир кўрсатувчи асосий риск

¹ Принципы управления кредитным риском» Базельский комитет по банковскому надзору, Базель, сентябрь 2000 г.

турларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Жумладан, уларнинг ёндашувига кўра, банк соҳасида куйидаги рисклар энг муҳимлари сифатида қаралади:

- Кредит rischi - банкнинг қарз олувчилар билан тузган шартномасида белгиланган шартларни тўғри қўймаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган риск.

- Ликвидлилик rischi - банк ўз ликвидлилигини таъминлаш учун юқориқроқ фоиз ставкаларда ресурслар жалб қилиши ҳолатида юзага келадиган зарарлар rischi ҳисобланади.

- Бозор rischi - банк активларни шакллантиришда ишлатилган молиявий инструментларнинг бозор котировкалари тебраниши ҳолатида юзага келувчи риск.

- Валюта rischi - банкда валюталар курси тебраниши натижасида юзага келадиган зарарлар.

Мазкур омилларнинг ҳар бири амалиётда турли даражада намоён бўлади ва уларни самарали бошқариш банкнинг молиявий барқарорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Умумий риск муаммоси доирасида Ўзбекистонлик қатор олимлар ҳам мазкур масалага нисбатан ўз илмий қарашлари ва хулосаларини шакллантирганлар. Хусусан, профессор Ф.И. Мирзаев молия бозоридаги рисклар таҳлилига бағишланган тадқиқотларида молиявий рискнинг мазмун-моҳиятини очиқ бериб, ушбу тушунчага муаллифлик таърифини таклиф этади. Муаллифнинг ёндашувига кўра, молиявий риск — молиявий операцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни етарлича инобатга олмаслик, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланмаслик ҳамда бошқа омиллар

таъсири натижасида қутилаётган молиявий даромаднинг кескин камайиши ёки йўқотилиши эҳтимоли сифатида таққин қилинади. Шу маънода, Мирзаевнинг таърифи молиявий рискни натижага таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ ҳолда, яъни режалаштирилган молиявий натижанинг амалий ижрода пасайиши эҳтимоли орқали изоҳлашга қаратилган.

Рус олимларидан А. Якубова ўз тадқиқотларида суғурта ва банк муносабатларининг ўзаро боғлиқ жиҳатларига алоҳида эътибор қаратади. Муаллиф банк рискларининг олдини олиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини юмшатишда суғурта механизмларини банк амалиётига татбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, мазкур йўналиш бўйича ўз қарашларини асослайди. Унинг таъкидлашича, суғурта муносабатлари **мажбурий** ва **ихтиёрий** турларга ажратилади. Мажбурий суғурта шакли сифатида муаллиф аҳоли омонатларини ҳимоялашга қаратилган суғурта тизимини келтириб ўтади.

Ихтиёрий суғурта йўналишларига нисбатан эса А. Якубова² қуйидаги турларни банклар учун мақбул деб тавсия этади:

1. **шахсий суғурта** — банк хизматчиларининг соғлиғини суғурталаш;
2. **мулк суғуртаси** — банкнинг моддий ва номоддий активларини, шунингдек банкнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ рискларни (кредит, фоиз ва валюта рисклари) суғурталаш;
3. **жавобгарликни суғурталаш** — банк ходимларининг учинчи

² Якубова А.А. Управление банковскими рисками в Российской Федерации посредством страхования: автореферат ... к.э.н. — М.: ФБГОУ

ВПО «Государственный университет управления», 2012. — 25 с.

шахслар олдидаги жавобгарлигига оид рискларни қоплаш.

Шу тариқа, муаллифнинг ёндашуви суғурта инструментларини банк рискларини камайтиришда қўшимча ҳимоя қатлами сифатида қўллаш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Доц. И. Рабыконнинг таъкидлашича, банк рисклари ўз табиатига кўра стратегик рисклар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида ва автоном ҳолда баҳолаш самарали натижа бермайди. Муаллиф ёндашувида банк рискларини бошқариш самарадорлигини баҳолашда, хусусан, банк капитали йўқотилиши рискларини баҳолаш тизими ҳамда банк стратегик рискларини бошқариш даражасини баҳолаш меъёрлари каби индикаторларни қўллаш зарурлиги алоҳида қайд этилади. Бу эса рискларни бошқариш қарорларини банкнинг умумий стратегияси, риск-аппетити ва капитални сақлаш мақсадлари билан уйғунлаштириш талаб этилишини англатади³.

Масалан, проф. Ш. Абдуллаева кредит рискларини тадқиқ этишга бағишланган ишларида мазкур рискларни камайтириш ва олдини олишда кредит скоринг методларини амалиётга кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлайди. Муаллифнинг ёндашувига кўра, скоринг моделлари қарз олувчининг тўлов қобилиятини тезкор ва стандартлаштирилган тарзда баҳолаш, қарор қабул қилиш жараёнида субъективликни камайтириш ҳамда кредит портфели сифати устидан мониторингни кучайтиришга хизмат қилади. Шу тариқа, кредит скоринг усулларида фаол фойдаланиш кредит рискларини самарали бошқаришнинг

муҳим амалий инструменти сифатида тавсия этилади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон тижорат банклари мисолида кредит рискларини баҳолаш ва банк рискларини бошқариш амалиёти комплекс ёндашув асосида таҳлил қилиниб, мазкур соҳада учрайдиган асосий муаммоларнинг манба ва сабаблари тизимлаштирилди ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган амалий ечимлар асослаб берилди. Тадқиқотда банк рисклари тизимининг кредит портфели сифати, ликвидлилик позицияси ва капитал адекватлиги билан ўзаро боғлиқлиги концептуал жиҳатдан очиб берилди.

Адабиётлар шарҳи доирасида маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг риск тушунчаси, банк рисклари классификацияси, кредит рискларини камайтириш инструментлари (скоринг, суғурта механизмлари ва бошқалар) ҳамда стратегик рисклар билан боғлиқ ёндашувларга оид илмий ишлари танқидий-таҳлилий усулда ўрганилди. Шунингдек, тадқиқотнинг амалий қисмида кредит портфелини баҳолашда фақат активларни таснифлаш мезонлари билан чекланиб қолмасдан, ликвидлилик мезонларини ҳам инобатга олиш зарурати илмий жиҳатдан асосланди. Таҳлил натижаларига таянган ҳолда тижорат банкларида рискларни идентификация қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш контурларини мустаҳкамлаш, ахборот асимметриясини камайтиришга қаратилган маълумотлар базасини такомиллаштириш, риск-аппетит ва лимитлар тизимини оптималлаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

³ Рабыко И.Н. Методика оценки управления стратегическим риском банка//Иқтисод ва молия

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Тадқиқот доирасида Ўзбекистон тижорат банклари амалиёти мисолида банк рискларини бошқаришда, айниқса кредит рискларини баҳолаш ва назорат қилишда учрайдиган муаммолар тизимли таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, кредит рисклари кўп омилли хусусиятга эга бўлиб, уларнинг кучайишига нафақат қарз олувчининг ички ҳолати, балки ташқи иқтисодий муҳит, молиявий ахборот сифати ҳамда ҳуқуқий-ижро механизмларининг самарадорлиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Амалда кредит рискларини бошқаришдаги асосий муаммолардан бири — қарз олувчининг молиявий ҳолатига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни етарлича чуқур ҳисобга олмасликдир. Давлат назорати, ички ва ташқи сиёсий вазият, бозор конъюнктураси, ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашуви, молиявий чекловлар, ишлаб чиқариш графиклари ва режаларининг бузилиши каби омиллар қарз олувчи пул оқимларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, молиявий ахборотнинг кўп ҳолларда ишончсиз бўлиши (тақдим этилган ҳисоботларнинг реал ҳолатни тўлиқ акс эттирмаслиги) кредит таҳлили сифатини пасайтиради. Қўшимча равишда, ҳуқуқий тузилманинг айрим ҳолларда қарзни ундириш ва мажбуриятларни ижро этишни тўлиқ таъминлаб бермаслиги кредит рискларини амалий бошқаришдаги муҳим чекловлардан бири сифатида намоён бўлади.

Кредит рискларини камайитиришда қарз олувчининг молиявий ҳолати ва лойиҳани таҳлил қилиш билан бир қаторда, қарз олувчи ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлиш муҳим омил

сифатида ажратилади. Хусусан, миқдорнинг илгари олган кредитларини қандай қайтарганлиги, бошқа банкларда сўндирилмаган мажбуриятлари, мавжуд кафилликлари ҳақидаги маълумотлар қарор сифатини оширади. Бу блокнинг етарлича таъминланмаслиги қарор қабул қилишда ахборот асимметриясини кучайтиради ва рискнинг тўғри баҳоланмаслигига олиб келади.

Шунингдек, кредит рискларини институционал даражада чеклаш ва тизимлаштиришда Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим ўрин тутади. Хусусан, "Бир қарз олувчи ва ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи" ҳамда банкка алоқадор шахсларга нисбатан таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини белгилайдиган низом банкларда йирик экспозицияларни чеклаш, концентрацияни пасайтириш ва капиталга нисбатан рискни мувозанатлаштиришда асосий пруденциал инструмент сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, аҳолига кредитлашда ортиқча қарзланиш рискларини пасайтириш мақсадида Марказий банк Бошқаруви томонидан макропруденциал нормативлар ва кредит (микроқарз) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар жорий этилган бўлиб, мазкур ҳужжатда қарз юки, гаров қийматига нисбатан кредит, шунингдек айрим концентрация кўрсаткичлари каби чегаралар назарда тутилади. 2025 йилда қабул қилинган мазкур низомга 2025 йил декабр ойида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, 2026 йил 21 январдан кучга кириши белгилангани амалиётда талабларнинг динамик равишда такомиллаштириб борилаётганини кўрсатади.

Кредит рискларини бошқаришнинг иккинчи муҳим контури — активлар

сифатини таснифлаш ва эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш амалиётидир. Марказий банк томонидан тасдиқланган тегишли низомда активларнинг таснифи, захираларни ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш тартиблари белгилаб берилган бўлиб, бу банклар портфелида сифат ўзгаришларини вақтли акс эттириш ва капиталга босимни эрта босқичда кўриш имконини беради.

Таҳлилнинг муҳим натижаларидан бири — кредит портфелини баҳолаш амалиётида ликвидлилик мезони етарлича инобатга олинмаслиги ҳақидаги хулосадир. Амалда банк кредитлари кўп ҳолларда ликвидли актив сифатида қаралмайди, банклар эса портфельни асосан активларни таснифланганлик даражасига кўра баҳолаш билан чекланади. Ваҳоланки, кредитларга ликвидлилик нуктаи назаридан ёндашиш кредит портфелининг қанчалик тез пулга айланиши мумкинлигини баҳолашга имкон беради. Бу эса ўз навбатида кредитлар асосида янги хосилавий инструментларни ташкил этиш (масалан, кредитларни пакетлаш, қайта молиялаштириш механизмларини кенгайтириш) учун методологик ва амалий пойдевор яратади.

Юқоридаги таҳлил натижалари умумий хулосани шакллантиради: банк рискларини бошқаришда самарадорликни ошириш учун кредит сиёсати ва методологик базани мустаҳкамлаш, портфель лимитлари ва риск-аппетитни аниқ режимида белгилаш, тармоқ таҳлилини чуқурлаштириш, молиявий таҳлил ва мониторинг контурларини кучайтириш, кредит документацияси ва аудит назоратини қатъийлаштириш зарур. Шу билан бирга, мазкур вазифаларни амалга оширишда банкларда таваккалчиликларни бошқариш тизими

доир умумий талабларни белгилайдиган норматив асос ҳам муҳим бўлиб, у риск-аппетит, ҳисоботдорлик, назорат органлари (кузатув кенгаши) роли ва ички сиёсатларнинг ижроси каби элементларни институционаллаштиради.

Қолаверса, банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини кучайтиришга қаратилган давлат сиёсати доирасида 2020–2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси ҳам банкларда рискларни бошқариш маданияти ва корпоратив бошқарув сифатини оширишнинг устувор йўналиш сифатида қаралишини аңглатади.

Хулоса ва таклифлар. Ҳар бир мамлакатда макроиктисодий мувозатнини сақлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда банк тизими муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, кредит ташкилотлари, хусусан тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига кредит ва инвестициялар кўринишида йўналтириш жараёни турли рисклардан холи эмаслиги, бунинг оқибатида эса банкларнинг таназзулга учраш хавфининг юқорилиги тижорат банклари омонатчилари ва кредиторлари манфаатларини ҳуқуқий Ҳимоя қилинишини тақозо этади.

Банк тизимида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, тижорат банклари омонатчилари ва кредиторлари манфаатларини Ҳимоя қилиш, алоҳида банклар ва бутун банк тизими фаолиятига хос бўлган хатарларни аниқлаш ва уларни самарали бошқариш банк назоратининг асосини ташкил этади.

Албатта, банк фаолиятини муайян пруденциал чекловлар ва меъёрлар орқали тартибга солиш айрим ҳолларда иқтисодий эркинликни чеклаш сифатида баҳоланиши мумкин. Бироқ халқаро банкчилик амалиётида кузатилган

молиявий инқирозлар ва банк дефолтлари банк фаолиятининг алоҳида тартибда назорат қилиниши зарурлигини тасдиқлайди. Шу боис, аксарият мамлакатларда банк секторини макродаражада тартибга солиш ва пруденциал назорат функцияси Марказий банк зиммасига юклатилган. Марказий банк банклар фаолиятини тартибга солиш орқали молия-банк тизимининг юқори даражадаги ликвидлилигини, банкларнинг тўловга қобиллигини сақлаш ҳамда узлуксиз ишлайдиган тўлов инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш вазифаларини амалга оширади. Бу механизмлар орқали молиявий барқарорлик таъминланади ва банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар манфаатлари ҳимоя қилади.

Тижорат банклари фаолияти юқори даражадаги иқтисодий рисклар билан чамбарчас боғлиқ. Банк операцияларининг асосий қисми жалб

қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Шунга кўра банклар фаолиятида доимо ликвидлик ва кредит ва тизимли риск яққол кўзга ташланиб туради. Банкларнинг стратегик мақсади юқори даромадлиликка эришиш бўлгани учун, улар кўпинча юқори даромад келтирувчи, бир вақтнинг ўзида юқори риск даражасига эга операцияларни (кредитлаш, қимматли қўғозлар билан операциялар ва бошқалар) амалга оширишга интиладилар. Мазкур ҳолат банк фаолиятида фойдалилик ва ликвидлик категориялари ўртасида мураккаб ва муайян даражада зиддиятли ўзаро боғлиқликни вужудга келтиради. Шу сабабли банк назоратининг самарадорлиги, пруденциал меъёрлар ва рискларни бошқариш механизмларининг такомиллашганлиги банк тизими барқарорлиги ва молиявий воситачилик сифатини таъминлашда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон). <https://lex.uz/docs/4581969> (www.lex.uz)
2. “Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”: меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат № 3283-2. <https://lex.uz/docs/7664389> (www.lex.uz)
3. “Банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”: меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат № 3618. <https://lex.uz/docs/7491592> (www.lex.uz)
4. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: БМА, 2000. – 46 б.;
5. Каралиев Т. Усмонов Б. Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки таҳлили ва уни оптималлаштириш//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Т.: 2020. - № 1, февраль.;



6. Абдуллаев А. Тижорат банкларининг ликвидлик riskини бошқариш//Бозор, пул ва кредит журнали. – Т., 2017. - №10. – Б.36-41.